

**XO‘JAOBOD TUMANLARARO  
IQTISODIY SUDI**

171400, Andijon viloyati,  
Xo‘jaobod shahar, Pok niyat ko‘chasi, 2-uy



**KHODJAOBOD INTER-DISTRICT  
ECONOMIC COURT**

171400, Andijan region,  
Khodjaobod city, Pok niyat street, 2.

Tel., Fax: (+998-74) 741-12-82, veb-sayt: [www.olivysud.uz](http://www.olivysud.uz), e-mail: [i.xujaobod@sud.uz](mailto:i.xujaobod@sud.uz)

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN  
XAL QILUV QARORI**

**Хўжаобод тумани 2023 йил 27 февраль 4-1706-2301/360-сонли иш**

Хўжаобод туманлараро иқтисодий суди, судья Ж.К.Абидовнинг раислигида,  
судья ёрдамчиси А.Алиқуловнинг котиблигида,  
аризачи – .....нинг жавобгар – "....." масъулияти  
чекланган жамиятига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сонли Қарори билан тасдиқланган  
“Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва  
назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-бандига асосан муддати ўтган  
дебитор қарздорликка йўл қўйиб хорижий валюта тушишини таъминламаганлиги  
учун 8 620 736 сўм миқдориди молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги аризаси  
бўйича иқтисодий ишни

аризачи вакили С.Мухтаров (2023 йил 27 февраль кунги 18-6110-сонли  
ишончнома асосида) иштирокида, Хўжаобод туманлараро иқтисодий суди  
биносида, очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

**А Н И Қ Л А Д И:**

..... (бундан буён матнда “ДСБ” ёки “Аризачи” деб юритилади)  
Хўжаобод туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб,  
“.....” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда “Жавобгар”  
деб юритилади)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 14 майдаги 283-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо  
операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш  
тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 27-банди асосан  
760 000 Россия рубли ва 2 420 АҚШ доллари қийматидаги муддати ўтган дебитор  
қарздорликнинг 5 ва 10 фоиз миқдориди 8 620 736 сўм молиявий жарима  
қўллашни сўраган.

Суднинг 2023 йил 01 февраль кунги ажрими билан ишга низонинг  
предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс  
сифатида Андижон вилояти Божхона бошқармаси ҳамда ЧЭКИ “ХАМКОРБАНК”  
АТБ жалб қилинган.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор  
қилинган жавобгар, низонинг предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз  
қилмайдиган учинчи шахс - Андижон вилояти Божхона бошқармаси ва ЧЭКИ  
“Хамкорбанк”дан вакиллар суд мажлисида иштирок этмади. Суд Ўзбекистон  
Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда “ИПК” деб  
юритилади)нинг 128 ва 170-моддаларига асосан ишни жавобгар, учинчи шахс  
Андижон вилояти Божхона бошқармаси ва ЧЭКИ “Хамкорбанк” вакиллари  
иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Хужжат имзоланган: Абидов Жасурбек Косимович, 09.03.2023



Суд мажлисида аризачи вакили ўз тушунтиришида жавобгар томонидан муддати ўтган дебиторлик қарздорлик бартараф этилмаганлиги учун молиявий жарима қўллаш тўғрисида судга ариза киритилганлиги, жавобгар дебитор қарздорликни бартараф қилмаганлигини, бироқ ариза судга киритилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.02.2023 йилда ПҚ-43-сон Қарори қабул қилинганлиги, ушбу Қарорнинг 3-бандига кўра ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўлланилиши, шунингдек, мазкур қарор кучга киргунига қадар қўлланилган жарималар ундирилиши 2023 йил 1 апрелга қадар тўхтатилганлиги белгиланганлигини маълум қилиб, мазкур ҳолатларни инобатга олган ҳолда қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд аризачи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, уларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларга асосан аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 215-моддасига кўра ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги аризалар билан судларга назорат қилувчи органлар мурожаат этишга ҳақли.

Иш ҳужжатларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Андижон вилоят бошқармаси томонидан тақдим этилган маълумотга кўра жавобгарнинг Қозоғистоннинг ИП “KZ ТРАНЗИТ СФЕРА” компанияси ўртасида 2022 йил 18 октябрь кунида 01-сонли импорт шартномаси (ИДН рақами 200242936200269079210200001) импорт шартномаси бўйича жавобгарнинг 2022 йил 23 апрель куни 2 420 АҚШ доллари миқдорида муддати ўтган дебитор қарздорлиги вужудга келганлиги, унга қўшимча 90 кунлик муддати 2022 йил 22 июль куни тугаганлиги аниқланган.

Муқаддам, аризачининг жавобгардан мазкур дебитор қарздорлик юзасидан 5 фоиз миқдорида молиявий жарима қўллаш ҳақидаги аризаси Хўжаобод туманлараро иқтисодий суднинг 4-1706-2201/704-сонли иқтисодий иш доирасида кўриб чиқилиб, жавобгарга нисбатан суднинг 2022 йил 03 октябрь кунги ҳал қилув қарори билан йўл қўйилган муддати ўтган дебитор қарздорликка нисбатан 5 фоиз миқдорида 1 319 868 сўм молиявий жарима қўлланилган.

Шунингдек, Жавобгарнинг Россиянинг ИП “Кокшарова Ольга Юрьевна” компанияси ўртасида 2022 йил 03 март кунида ИП-2022/03/03-сонли импорт шартномаси (ИДН рақами 200242936200269079220200002) импорт шартномаси бўйича жавобгарнинг 2022 йил 18 март куни жавобгарнинг 760 000 Россия рубли миқдорида муддати ўтган дебитор қарздорлиги вужудга келганлиги, унга қўшимча 90 кунлик муддати 2022 йил 13 декабрь куни тугаганлиги аниқланган.

Жавобгар томонидан дебитор қарздорлик ихтиёрий бартараф қилинмаганлиги сабабли аризачи томонидан 20.10.2022 йилда №22-72829-сонли талабнома унинг шахсий кабинетига электрон тартибда юборилган бўлиб, унга кўра муддати ўтган дебиторлик қарздорлиги қонунчиликда белгиланган 360 кундан 545 кунгача муддати муддати яқунланганлиги сабабли, дебитор қарздорликни 10 кун муддат ичида ихтиёрий бартараф этиш ёки келиб тушмаган пул маблағи ёхуд товар қийматини 10 фоизи 242 АҚШ доллари миқдорида (талабнома расмийлаштирилган 2022 йил 20 октябрь кунги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг валюталар курси (1 АҚШ доллари = 148,98 сўм) бўйича 2 698 056 сўм жарима ихтиёрий тўлашни, акс ҳолда ушбу



жаримани қўллаш ҳақида иқтисодий судга ариза киритилиши ҳақида огоҳлантирилган.

Жавобгар томонидан дебитор қарздорлик ихтиёрий бартараф қилинмаганлиги сабабли аризачи томонидан 09.01.2023 йилда №22-05235-сонли талабнома унинг шахсий кабинетига электрон тартибда юборилган бўлиб, унга кўра муддати ўтган дебиторлик қарздорлиги қонунчиликда белгиланган 180 кунлик муддати муддати якунланганлиги сабабли, дебитор қарздорликни 10 кун муддат ичида ихтиёрий бартараф этиш ёки келиб тушмаган пул маблағи ёхуд товар қийматини 5 фоизи 38 000 Россия рубли миқдорида (талабнома расмийлаштирилган 2023 йил 09 январь кунги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюталар курси (1rubl= 155,86 сўм) бўйича 5 922 680 сўм жарима ихтиёрий тўлашни, акс ҳолда ушбу жаримани қўллаш ҳақида иқтисодий судга ариза киритилиши ҳақида огоҳлантирилган.

Жавобгар томонидан талабномалар оқибатсиз қолдирилиб, муддати ўтган дебитор қарздорлик бартараф этилмаганлиги учун аризачи 2023 йил 26 январь куни иқтисодий судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарга нисбатан 8 620 736 сўм жарима қўллашни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.05.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 283-сон Қарори билан тасдиқланган “Ташқи савдо операциялари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом(бундан буён матнда “Низом” деб юритилади)нинг 24-бандига кўра экспорт контракти бўйича тушум тушиши ёки товарларни қайта олиб кириш муддати товарларга нисбатан “экспорт” божхона режими бўйича божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан ва хизматларга (ишларга) нисбатан — бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланган санадан бошлаб 180 кундан ошиб кетмаслиги керак.

Шунингдек, Низомнинг 24<sup>1</sup>-бандига кўра сотиб олиш контракти бўйича тўланган пул маблағларини қайтариш ёки сотиш контракти бўйича пул маблағларининг келиб тушиши сотиб олиш контракти бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 кундан ошмаслиги керак. Бунда сотиш контракти бўйича келиб тушган пул маблағларининг миқдори сотиб олиш контракти бўйича тўланган пул маблағлари миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.

Ушбу муддатда қайтарилмаган ёки белгиланган миқдорда келиб тушмаган валюта маблағлари муддати ўтган дебитор қарздорлик сифатида қаралади.

Бундан ташқари, Низомнинг 27-бандига кўра, ташқи савдо контрактлари бўйича активлар репатриация қилинишини (чет элдан хорижий валютадаги маблағлар келиб тушишини ёки ушбу Низомда кўрсатилган божхона режимларида товарлар республикага олиб кирилиши ва расмийлаштирилишини, ишлар бажарилиши ва хизматлар кўрсатилишини ёки пул маблағларининг қайтарилишини) мазкур Низомнинг 23, 24 ва 24<sup>1</sup>-бандларида белгиланган муддатлар тугагандан кейин кўпи билан 45 кун (кичик тадбиркорлик субъектлари учун - 90 кун) мобайнида таъминламаган хўжалик юритувчи субъектлар:

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 360 кунгача кечикканда - репатриация қилинмаган активлар суммасининг 5 фоизига тенг миқдорда;



активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 360 кундан 545 кунгача кечикканда - репатриация қилинмаган активлар суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда қўшимча равишда;

активларни репатриация қилиш норезидентга тўлов ёки экспорт амалга оширилган санадан эътиборан 545 кундан ортиқ кечикканда — репатриация қилинмаган активлар суммасининг 35 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига қўшимча жарима тўлайдилар.

ДСБ томонидан келиб тушмаган товарлар, тўлов ёки импорт амалга оширилган санадан эътиборан 2 420 АҚШ доллари қиймати 10 фоиз, 242 АҚШ доллари миқдорида (талабнома расмийлаштирилган 2022 йил 20 октябрь кунги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюталар курси (1 АҚШ доллари = 11 148,98 сўм) бўйича 2 698 056 сўм, 760 000 Россия рубли 5 фоиз, 38 000 Россия рубли миқдорида (талабнома расмийлаштирилган 2023 йил 09 январь кунги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюталар курси (1rubl= 155,86 сўм) бўйича 5 922 680 сўм, 760 000 Россия рубли ва 2 420 АҚШ доллари қийматига нисбатан 5 ва 10 фоиз жами (5 922 680 + 2 698 056) 8 620 736 сўм жарима ҳисобланган.

Ушбу ҳолатда аризачининг ариза талаби асосли бўлиб, жавобгар томонидан муддати ўтган дебитор қарздорлик суд муҳокамаси кунига қадар бартараф этилмаган.

Бироқ, ариза суднинг иш юритувига олинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 03 февралда “Ҳаво ҳарорати кескин совиб кетишининг иқтисодиётга салбий таъсирини камайтириш учун тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-43-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу Қарорнинг 3-бандига кўра ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўлланилиши, шунингдек, мазкур қарор кучга киргунига қадар қўлланилган жарималар ундирилиши 2023 йил 1 апрелга қадар тўхтатилиши белгиланган.

Шунга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 февралдаги ПҚ-43-сонли Қарорининг 3-бандига асосан ариза талабини қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

ИПКнинг 118-моддасига мувофиқ, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган талаблари миқдorigа мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси, 1-қисми, 12-бандига кўра давлат солиқ хизмати органлари, молия ва божхона органлари -барча ишлар ҳамда ҳужжатлар бўйича, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун, 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича иқтисодий судларда давлат божи тўлашдан озод этилган.

Юқорида қайд қилинганларга кўра суд ариза талаби асосли эканлиги, низо бевосита жавобгарнинг айби билан юзага келганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 43-сонли қарори талабига мувофиқ қаноатлантириш рад этилганлигини инобатга олиб жавобгар ҳисобидан аризачи фойдасига 30 000 сўм почта харажати ундиришни лозим топади.

Бинобарин, ИПКнинг 118, 128, 170, 215, 217, 220 ва 222-моддаларини

лаб, суд



**Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И:**

.....нинг аризасини қаноатлантириш рад қилинсин.

"....." масъулияти чекланган жамияти ҳисобидан .....  
фойдасига 30 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан ўн кунлик муддат ичида Хўжаобод туманлараро иқтисодий суди орқали Андижон вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

**Раислик қилувчи, судья**

**Ж.К.Абидов**

